

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

## *I. Умумий қоидалар*

1. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий-амалий қўлланманинг асосий мақсади сиёсий партиялардан сайланган Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти тартибини белгилашдан иборатдир.

2. Сиёсий партиялар депутатлик гуруҳи партиядан сайланган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

3. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари (бундан буён матнда – депутатлик гуруҳи деб юритилади) Сиёсий партиялардан кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларида (бундан буён матнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари деб юритилади) депутатлари таркибидан сайланган энг ками 3 кишидан, шу жумладан депутатлик гуруҳи раҳбари ҳамда депутатлик гуруҳи аъзоларидан иборатдир. Сиёсий партиялардан номзоди кўрсатилиб, маҳаллий Кенгаш депутати этиб сайланган депутат фақат сиёсий партиялар депутатлик гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

4. Депутатлик гуруҳи аъзолари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар, “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлари, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари томонидан сессияларда қабул қилинган Регламентига, сиёсий партия Устави ва Сайловолди дастури асосида амалга оширадилар.

5. Депутатлар гуруҳи фаолияти тегишли масала-ларни жамоа бўлиб ва эркин тартибда муҳокама қилишга асосланади.

6. Депутатлар гуруҳи фаолиятининг ташкилий шакли унинг мажлисидир.

7. Депутатлар гуруҳи мажлиси, агар унинг ишида депутатлар гуруҳи аъзолари умумий сонининг камида ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли бўлади.

8. Депутатлар гуруҳи мажлиси, қоида тариқасида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлислари оралиғида бир ойда камида бир маротаба ўтказилади. Депутатлар гуруҳи мажлиси баённома билан расмийлаштирилади.

9. Депутатлар гуруҳини тузиш тартиби халқ депутатлари маҳаллий Кенгашнинг Регламенти билан белгиланади.

## *II. Депутатлар гуруҳининг асосий вазифалари*

Депутатлар гуруҳининг асосий вазифалари қуйидаги- лардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларига, партия Дастури ва Уставига мувофиқ ҳолда маҳаллий Кенгаш фаолиятида жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаш тиришда, ҳуқуқий фуқаролик жамияти куришда фаол иштирок этиш;

2. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг барча масалалари бўйича партия нуқтаи назарини изчил ва қатъий равишда ҳимоя қилиш;

3. Сайловчиларининг фикр-мулоҳазаларини доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига киритиш, уларнинг манфаатларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида оғишмай ҳимоя қилиш;

4. Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари назорат қилиш асосида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳоқими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилган. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

5. Ҳуқумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги Давлат ҳоқимияти органларининг сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари олдида ҳисобот бериш механизми самарадорлигини ошириш.

### ***III. Депутатлик гуруҳининг ваколатлари***

Депутатлик гуруҳи:

1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти бўйича тақлифлар киритади ҳамда фикр-мулоҳазалар билдиради;

2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала бўйича депутатлик гуруҳи вакилининг қафолатланган сўзга чиқиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларидан ўз тасарруфига кирувчи масалалар бўйича асосли тушинтиришлар беришини ёки ўз нуқтаи назарини баён этишни талаб қилиб мурожаат этади;

4. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича депутатлик гуруҳи аъзолари фикрини Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари орасида таркатади;

5. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши комиссия-лари ишида иштирок этади;

6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашида муҳокама қилинаётган қарор лойиҳалари бўйича ўз тақлифларини киритади;

7. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисларида давлат ҳоқимияти органлари вакилларининг ўз фаолият соҳаси юзасидан ҳисоботини эшитиш масаласини кўяди;

8. Депутатлар гуруҳи фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларни давлат органларидан ва уларнинг мансабдор шахсларидан сўраб олади;

9. Тегишинча халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раисига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органлари раҳбарларига сўров билан мурожаат қилади;

10. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши комиссиялари раислари лавозимларига номзодлар бўйича тақлифлар киритади;

11. Қонун ҳужжатларида маҳаллий Кенгаш депутатлари учун назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади;

12. Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлиси баённомасига киритиш;

### ***IV. Депутатлик гуруҳи раҳбарининг ваколатлари***

Депутатлик гуруҳи раҳбари:

- Депутатлик гуруҳи фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;
- Депутатлик гуруҳи мажлиси кун тартибига масалаларни тайёрлашни ташкил этади;
- Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш мажлисларида, Ҳукумат, вазирликлар, бошқа Давлат органлари раҳбарлари билан муносабатларда депутатлик гуруҳи номидан иш кўради;
- Депутатлик гуруҳи аъзоларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши мажлисининг кун тартиби бўйича фикрларини умумлаштиради;
- Депутатлик гуруҳи мажлисларини ўтказди;
- Вилоят ҳокимининг номзодини тасдиқлаш бўйича ўтказиладиган маслаҳатларда депутатлик гуруҳи вакили сифатида иштирок этади.
- Депутатлик гуруҳи раҳбари партиясиз томонидан юклатилган топшириқ ва вазифаларни, ҳудудга оид долзарб масалаларни ўз вақтида ва самарали ечиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши муҳокамасига қуйиш учун масъулдир;
- Депутатлик гуруҳи раҳбари ҳудудий партиясиз ташкилоти йиғилишларида (Пленум, Ижроқўм) депутатлик гуруҳининг фаолияти ҳақида йилига камида икки маротаба ҳисобот беради;
- Агар депутатлик гуруҳи раҳбари маълум бир сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмаса ушбу вазифани вақтинчалик бажариш ёки янги раҳбарни тайинлаш юзасидан масала ҳудудий партиясиз ташкилоти Ижроия қўмитаси йиғилишида ҳал этилади.

#### ***V. Депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳуқуқлари***

1. Депутатлик гуруҳи аъзоси маҳаллий Кенгашнинг депутати сифатида маҳаллий Кенгаш мажлисларида кўриладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланади;

2. Депутатлик гуруҳи аъзолари маҳаллий Кенгаш депутати сифатида қуйидаги ҳуқуқларга эга

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;
- депутат сўрови билан мурожаат этишга;
- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши таркибидаги ўзи аъзо бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуктаи назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида баён этишга ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равишда маълум қилишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

- сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

**3.** Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегисли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегисли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегисли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегисли халқ - депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

## ***VI. Депутатлик гуруҳи аъзосининг мажбуриятлари***

Депутатлик гуруҳи аъзоси:

- Депутат тегисли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда тегисли халқ депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши;

- Депутатлик гуруҳининг нуқтаи назарини халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида қўллаб-қувватлаши (ҳимоя қилиши);

- халқ депутатлари Кенгаши мажлислари муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириши;

- Депутатнинг тегисли халқ депутатлари Кенгашининг ҳамда қайси комиссия таркибига бўлса, шу комиссиянинг мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши ёки комиссия раҳбарига олдиндан хабар қилиши;

- Депутатлик гуруҳи раҳбари топшириқларини, партия дастурини, шунингдек партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни амалга ошириш бўйича топширилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

- Халқ депутатлари Кенгаши ўзи аъзоси бўлган комиссиялари фаолияти тўғрисида депутатлик гуруҳига ҳар чоракда ёзма ҳисобот бериши;

- Партия фаолияти билан боғлиқ конференциялар, семинарларда ва тадбирларда иштирок этиши;
- Амалга оширилган ишлар бўйича депутатлик гуруҳи мажлисида ўз вақтида ҳисобот бериб бориши;
- Партиянинг барча тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиши;
- Ўзига депутатлик гуруҳи томонидан бириктирилган партия ҳудудий ташкилотлари ишини самарали ташкил этишда кўмаклашиши, сайловчилардан тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиши, уларда кўрсатилган муаммоларни таҳлил қилиб бориш, муаммоларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, зарур ҳолларда тегишли Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши;
- Жойлардаги партия аъзоларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши;
- Сайловчилардан тушадиган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиши;
- Депутатлик гуруҳи ва умуман партиянинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиши;
- Қонунчиликнинг айрим тармоқларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган мақолалар, брошюралар ва бошқа нашрларни тайёрлашда иштирок этиши шарт. Бунда депутат материалларини ўзи аъзо бўлган комиссиянинг соҳасини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаб, қоида тариқасида, ҳар чоракда депутатлик гуруҳи муҳокамасига тақдим этади.

## ***VII. Депутатлик гуруҳи аъзоларининг сайловчилар билан ишлаши.***

1. Депутатлик гуруҳи аъзоси ўз округи сайловчилари, ўзини депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқаларини мустаҳкамлайди, халқ депутатлари Кенгашларида уларнинг манфаатларини ифодалайди.

2. Депутатлик гуруҳи аъзоси фуқаролардан ҳамда сайловчилардан тушган хатларни, аризаларни, шикоят ва мурожаатларни қонунларда белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чораларини кўради ҳамда фуқароларни қабул қилади.

3. Депутатнинг илтимосига кўра ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутат ишини олиб бориш учун алоҳида хона ажратиб беришлари лозим. Депутат қабулхонасида қабул кунлари ҳақидаги маълумот акс эттирилиши керак. Самарали натижаларга эришиш учун депутат қабулхонасида унинг фаолияти учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакат Президенти фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва тегишли юридик ташкилотларнинг ҳужжатлари йиғма жилдда жамланиши тавсия этилади.

4. Депутатлик гуруҳи аъзоси сайловчиларига ўз фаолияти юзасидан мунтазам равишда, лекин ҳар йили камида икки мартаба ахборот бериб боради. Учрашувлар давомида маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши иш фаолияти, қабул қилган қарорлари ёритилиб берилади. Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жараёнида депутат ўз ҳисоботида сайлов округида амалга оширилган ишлари, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашига берган таклифлари, уларнинг натижаси, сайловчилардан тушган мурожаат ва аризаларнинг ҳолати, аъзо бўлган доимий комиссиядаги фаолияти тўғрисида ахборот беради. Қоида тариқасида депутат маърузаси икки қисмдан иборат бўлиши керак. Биринчи қисмда маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши, унинг комиссияларининг фаолияти, минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки ёритилиб берилади. Депутат маърузанинг ушбу қисмини тайёрлашда турли ташкилотларга мурожаат этиб, улардан муайян маълумотларни олиши мумкин. Маърузанинг иккинчи қисмида депутатнинг ўз фаолияти ёритилади. Маърузанинг ушбу қисми ёритилишида депутат ўз кундалик дафтарида фойдаланиши лозим (фуқаролар қабули, мурожаатлар тушиши, ва уларнинг ижобий ҳал

этилиши, сўровлар натижаси, доимий комис-сиялардаги иштироки ва ҳ.к.). Ўз маърузасининг сўнгида депутат маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши олдида турган

вазифалар тўғрисида маълумот бериб, фуқароларни уларни ҳал этишда фаол иштирок этишга чақиради. Шу билан бирга депутатнинг маърузаси танқидий, таҳлилий маълумотларга бой бўлиши тавсия этилади.

5. Қоида тариқасида депутатнинг ушбу маърузаси ҳудудий партия ташкилоти олдида бериши керак бўлган ҳисоботда ҳам қўлланилиши мумкин.

6. Депутатлик гуруҳи аъзосига халқ депутатлари Кенгаши Регламентида белгиланган тартибда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тегишли кунлар белгиланади.

7. Сайловчилар ишончини оқлай олмаган депутатлик гуруҳи аъзоси қонунда белгиланган тартибда чақириб олинishi мумкин.

8. Фуқароларнинг амалга оширилаётган ислохотларда янада фаол иштирок этишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш мақсадлари ва вазифаларини бажариш мақсадида депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчилар билан ишлашда ўз диққат эътиборини, биринчи навбатда муайян минтақага ёки айрим соҳаларга хос муаммоларни аниқлашга, бу муаммоларни ечиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тегишли мансабдор шахслари эътиборига зарур ахборотни етказишга қаратиши зарур. Сайловчилар билан ишлашда мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаларининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

### ***VIII. Депутатлик гуруҳи фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши***

- Депутатлик гуруҳининг фаолияти, қоида тариқасида, сиёсий партия ижтимоий-сиёсий газетасида ёритилади.

- Депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси мунтазам сиёсий партия газетаси саҳифаларида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида ўз мақолалари билан иштирок этади.

- Ҳар бир сиёсий партиянинг интернетдаги саҳифаларидан фойдаланади.

- Депутатлик гуруҳи ҳамда унинг аъзолари фаолияти тўғрисидаги материалларни эълон қилиш муддатлари ва тартиби сиёсий партиялар юқори органлари мажлисларида кўриб чиқилади.

### **Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг Кенгаш фаолиятидаги иштироки**

Маҳаллий Кенгаш депутатларининг доимий комиссия ишларидаги иштироки

Маҳаллий Кенгаш депутатларининг Кенгаш мажлисларидаги иштироки

Маҳаллий Кенгаш депутатларининг депутатлик сўрови

Маҳаллий кенгаш депутатларининг жамоатчилик назорати бўйича тузилган комиссия ишидаги иштироки